

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 10-2016

Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари (31 октябрь – 5 ноябрь
кунлари)

**I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ,
ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

2016 йил 28 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ҳатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Наримон Маджитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун онлайн режимида брифинг ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов тадбир иштирокчиларини Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақида хабардор қилди. Сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига асосан сайловолди ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва таъминланади. Жумладан, сиёсий партиялардан келиб тушган

таклиф ва истакларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, “Тошкент” телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилади. “Халқ сўзи”, “Народное слово” ва “Правда Востока” газеталарида 6 саҳифадан, “Нурлы жол” ва “Овози тожик” газеталарида 5 саҳифадан иборат нашр майдони бепул берилади. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 та маҳаллий газетада ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинади. Шунингдек, номзодларнинг ҳар бири республикамиз бўйича 642 тадан ташқи реклама воситаси – махсус конструкциялар, экранлар, биллбордлардан ўз дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда фойдаланади. Мамлакатимизнинг 36 та электрон мониторида ҳам номзодларнинг ташвиқот роликларини бепул жойлаштириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг турлари, шакллари, услублари ва мазмунини мустақил белгилайди. Таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар яратиш тамойили партия нашрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар тегишли материалларни исталган ҳажмда чоп этишлари мумкин. Брифингда сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам фикр юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9 минг 378, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкалари зарур алоқа воситалари, компьютар ва ташкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Махсус белгиланган жойларда яширин овоз бериш учун сайлов кабиналари, сайлов қутилари ўрнатилган.

Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссиялари таркиблари шакллантирилиб, уларнинг фаолиятига 98 мингдан зиёд киши жалб қилинган. Комиссия аъзоларининг 69 фоизи илгари сайлов комиссияларининг фаолиятида бевосита иштирок этган ва муайян тажрибага эга фуқаролардир. Участка сайлов комиссиялари таркибида хотин-қизлар сони 47,4 фоизни ташкил этади. Участка сайлов комиссиялари раисларининг 26,7 фоизи хотин-қизлардир.

Брифингда сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш масалаларига, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотдан фойдаланишлари учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди. Ҳозирга қадар Марказий сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 500 дан ортиқ вакили, округ сайлов комиссиялари томонидан қарийб 560 нафар маҳаллий журналист аккредитациядан ўтказилди.

2017 ЙИЛДА ҲАЁТИМИЗ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛАДИ

28 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Бюджетномаси – Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Мажлисида ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – молия вазири Р.Азимов маъруза қилди. Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш ҳисобидан юқори иқтисодий суръатларни таъминлаш вазифасини назарда тутди. Мамлакатимиз ҳукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шу йил 8 сентябрдаги қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар асосида 2016 йил учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар макроиқтисодий кўрсаткичларга муваффақиятли эришишни, жорий йилда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда Давлат бюджетининг самарали ижро этилишини таъминламоқда. Депутатлар келгуси йил учун шакллантирилган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлган ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 6,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 6,2 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши кўзда тутилаётганлигини алоҳида қайд этдилар. Парламент аъзоларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан олинган батафсил ахборотдан сўнг мамлакатимизнинг 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва жамиятимиз ҳаётининг бошқа жабҳаларини ривожлантириш дастурлари ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши муҳимлигини таъкидладилар.

Энг муҳими, 2017 йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида келгуси йилда амал қилиш муддати тугаётган солиқ имтиёзларининг муддатини узайтириш таклиф этилмоқда. Бу эса тадбиркорлар тасарруфида келгуси йилнинг ўзида қарийб 500 миллиард сўмга яқин маблағ қолдириш имконини бериб, уларга ўз айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва

технологик қайта жиҳозлашни амалга оширишлари учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Давлат бюджетининг умумий харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган харажатлар 2000 йилда 42,5 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда кутилаётган 59,5 фоиздан 2017 йилда 59,7 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ва болали оилаларга бериладиган нафақалар учун ажратилган харажатлар 2017 йилда қарийб 2,6 триллион сўмдан ортиқ миқдорда, яъни 2008 йилга нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилиши режалаштирилаётгани чуқур ўйланган ижтимоий сиёсатнинг натижасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти фан ва техниканинг энг илғор ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришга ва халқ таълими тизимига таяниши лозим. Бу борада 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида жорий йилга нисбатан 13,0 фоизга оширилган ҳолда кўзда тутилган бўлиб, бу илм-фанни янада ривожлантириш ва давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имконини беради.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазиғасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Томонлар турли вазирликлар, идоралар, хўжалик субъектлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида эришилган ўзаро келишувлар ҳаётга изчил татбиқ қилинаётганидан мамнуният билдирдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммоларни ҳам муҳокама қилиб, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан маслаҳатлашувларни давом эттириш зарурлигини таъкидладилар. Сухбат конструктив, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари руҳида ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги кўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» парламент ҳамкорлиги кўмитаси 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Келишувга мувофиқ ташкил этилган бўлиб, парламентаризм соҳасидаги икки томонлама

алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида фаолият олиб боради. Парламент ҳамкорлиги кўмитаси фаолияти орқали парламент депутатлари шерик мамлакатларда ўтказилаётган энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тадбирлар ҳақида хабардор қилинмоқда, турли халқаро ва бошқа тадбирларни ўтказишга ёрдам кўрсатилмоқда. Кўмита мажлисида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни, хусусан, ижтимоий-иқтисодий, инвестиция, молия ва ҳуқуқ соҳаларидаги, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муносабатларни янада фаоллаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, тарафлар минтақавий ва халқаро хавфсизликка бўлган таҳдидларга қарши курашиш, минтақанинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш юзасидан амалий мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйишга доир чора-тадбирларни муҳокама қилдилар. Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги изчил ривожланаётганини мамнуният билан қайд этди. Ушбу ҳамкорлик томонларнинг жамият ҳаётининг турли жабҳаларидаги мулоқотини чуқурлаштиришдан ўзаро манфаатдорлигига асосланган.

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ЙИГИРМА ЁШДА

Пойтахтимизда «Темурийлар тарихи давлат музейи 20 ёшда: кеча ва бугун» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги турли музейлар раҳбарлари, тарихчи олимлар ва тадқиқотчилар, санъаткорлар, олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартда «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган, музей қисқа вақтда – саккиз ойда бунёд этилган. Музей очилган кун – 1996 йил 18 октябрь халқимиз тарихида унутилмас сана бўлиб қолади. Музейда ташкил этилган илмий гуруҳ томонидан юбилей альбомлари, тўпламлар, монографиялар нашр этилмоқда. Темурийлар даври тарихининг долзарб мавзуларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Темурийлар тарихи давлат музейи биноси мустақиллик даври шаҳарсозлик маданиятининг ноёб намунаси, мамлакатимиз архитектура санъатидаги дурдона асарлардан бири сифатида тарихга кирган. Ўтган даврда бу масканда 60 дан ортиқ кўرғазмалар ташкил этилди. Музей фондларини бойитиш мақсадида археологик экспедициялар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳудудида жойлашган XIV асрга оид Шохрухия қалъаси ёдгорлигида амалга оширилган археологик қазилмалар давомида кўплаб қурилиш материаллари, кулолчилик, шишачилик, темирчиликка оид материаллар йиғилди. Улар асосида кўрғазмалар ташкил этилмоқда. Шу пайтга қадар Франция, Германия, Австралия, Ҳиндистон каби давлатларда ўтказилган халқаро кўрғазмаларда музейнинг ноёб экспонатлари намойиш этилди. Жорий йилда Франция ва Нидерландияда Амир Темур ва темурийлар даврига оид фотоқўрғазма ўтказилди. Музей сайти (temurid.uz) ўзбек, рус, инглиз тилларида ишлаб турибди. Бу йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда музейнинг тўлиқ виртуал кўриниши яратилди.

Унда музей заллари бўйлаб саёҳат ва экспонатлар замонавий 3D шаклда намоён бўлади.

ТОШКЕНТГА ИККИНЧИ “ОРЗУ ЛАЙНЕРИ” КЕЛДИ

Бугун “Тошкент” халқаро аэропортига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси томонидан харид қилинган иккинчи “Boeing-787-8 Dreamliner” самолёти келиб кўнди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси 1996 йилдан буён АҚШнинг дунёга машҳур “Boeing” корпорацияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда ва ундан йигирмага яқин “Boeing” самолётини харид қилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси илк “Boeing-787-8 Dreamliner” самолётини сотиб олган эди. Унинг номи инглизчадан таржима қилинганда “Орзу лайнери” деган маънони англатади. Ушбу ҳаво кемасининг аксарият қисми ноёб композицион материаллардан ишланган. Бу унинг вазнини енгиллаштириш, парвоз хусусиятларини яхшилаш имконини берган. Самолёт ишончлилик, хавфсизлик ва тежамкорлик нуқтаи назаридан ҳам кўплаб афзалликларга эга. Шу боис у узоқ ва жуда узоқ масофаларга тўхтовсиз уча олади. Мутахассислар таъкидлашича, ушбу замонавий ҳаво лайнери 16 соат узлуксиз парвоз қилиши мумкин. “Dreamliner” Ўзбекистондан АҚШ, Канада, Австралия ва Африка мамлакатларига тўғридан-тўғри парвоз қилиши мумкин. Янги самолётлардан фойдаланиш учун ер усти инфратузилмаси, муҳандис-техникавий ва учувчилар таркибини тайёрлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясида юқори малакали 18 учувчи ва 2 учувчи-инструктордан иборат янги гуруҳ шакллантирилди. Учувчиларимиз миллий авиакомпаниямиз паркида мавжуд бўлган самолётлардан техник ва технологик жиҳатдан тубдан фарқланувчи янги “Boeing-787-8 Dreamliner” самолётини қисқа муддат ичида муваффақиятли ўзлаштирди. Мамлакатимизга олиб келтирилган биринчи “Boeing-787-8 Dreamliner” самолётининг тижорат эксплуатацияси 5 сентябрда бошланди. Халқаро йўналишдаги илк парвози 9 сентябрда Олмаота шаҳрига амалга оширилди. Бугунги кунда ушбу самолёт Олмаота, Дубай, Дехли, Истанбул, Тель-Авив, Москва ва бошқа йўналишларда парвоз қилмоқда. Бугун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси парки яна бир янги “Boeing-787-8 Dreamliner” самолёти билан бойиди. Сизтлдан Тошкентгача 12 соатга яқин давом этган узлуксиз парвоз муваффақиятли бажарилди. “Boeing-787-8 Dreamliner” самолётини “Boeing” корпорацияси заводида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг ўринбосари Геннадий Харлап ва «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси директори ўринбосарлари Андрей Маргачёв ва Валерий Косов қабул қилиб олди. Ушбу янги “Boeing-787-8 Dreamliner” самолётини Ўзбекистонга миллий авиакомпаниямиз экипажи – учувчи-йўриқчи Андрей Тяг, иккинчи учувчи Юрий Горьков ҳамда авиакомпания бош штурмани Станислав Гурфинкель бошқариб келди.– Мазкур янги авиалайнер тежамкорлиги, бошқаришнинг янада қулайлиги ва салонда йўловчиларга энг замонавий шароит яратилгани

билан ажралиб туради, – дейди Андрей Тян. – Йўловчилар узоқ мамлакатларга парвоз пайтида тўхтамай ўз манзилига етиб олишни истаиди. Мазкур самолёт уларнинг бу истагини бажара олади. Шундай замонавий самолётни бошқариш насиб этганидан хурсандман. Жорий йилнинг сентябрида «Boeing» корпорацияси президенти Р.Коннернинг мамлакатимизга ташрифи давомида яна учта янги самолёт харид қилиш бўйича музокаралар олиб борилди. Миллий авиакомпаниямизнинг дастлабки иккита “Boeing-787 Dreamliner”и 787-8 модификациясига мансуб. Янгиларининг ўриндиқлар сони кўпайтирилган ва умумий ўлчами узайтирилган 787-9 модификациясидан сотиб олиш кўзланган.

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ 2017 ЙИЛДА 6,2 ФОИЗГА ЎСИШНИ ПРОГНОЗ ҚИЛМОҚДА

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда 2016 йилда ялпи ички маҳсулоти ўсиши бўйича прогнозни 6,5 фоиз даражасида қолдирди. Бу ҳақда «Европа тикланиш ва тараққиёт банки операциялари давлатларида минтакавий иқтисодий истиқболлар» ҳисоботида айтилган.

Банк мутахассислари Ўзбекистоннинг 2017 йилдаги иқтисодиёти 6,2 фоизга ўсишини прогноз қилмоқдалар. Банк прогнозига кўра, Ўзбекистонда 2016-2017 йилларда инфляция миқдори 9 фоиз даражасида қолади. Ўзбекистон ҳукумати эса 2016 ва 2017 йилларда ЯИМ ўсиши 7,8 фоиз даражасида бўлишини прогноз қилмоқда.

II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

8 НОЯБРЬ КУНИ АҚШДА 58-БОР ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Аввалига сайловчилар Президентни сайловчи Ҳайъатни сайлайди. Сайлов Ҳайъати томонидан ўз навбатида президент ва вице-президент сайланади. 1853 йилдан бошлаб АҚШнинг барча президентлари ё Республикачилар, ё Демократик партиянинг вакиллари бўлиб келади. Бу ҳар икки партия рамзлари ҳақида гапирсак, демократлар эшакни, республикачилар эса филни ўз тимсоллари сифатида қабул қилишган. Демократлар илк бор эшак тимсолидан 1828 йилда тарғибот мақсадларида фойдаланган. 1870 йилда эшак сурати карикатурачи Томас Наст томонидан Harper's Weekly журналида фойдаланилган ва шу тариқа демократлар рамзига айланган. Республикачилар партиясининг рамзи бўлмиш фил ҳам карикатурачи Томас Наст қаламига мансуб. Фил сурати Harper's Weekly журналида илк бор 1874 йил 7 ноябрида пайдо бўлган. АҚШ Демократик партияси жаҳондаги энг кекса сиёсий партиялардан бири сифатида тан олинади. Бу партияга 1828 йилда (1792-1824 йилларда фаолият юритган Демократик-республикачилар партиялари фракцияларининг бирлашуви остида) асос солинган. Бу партия асосчиларидан бири АҚШнинг учинчи президенти Томас Жефферсон (1801-1809)дир. Партия

асосчилари сифатида тан олинадиган Эндрю Жексон ва Мартин ван Бюренлар ҳам келажакда президент этиб сайланган. Эндрю Жексон 7-президент бўлиб 1829-1837 йилларда АҚШни бошқарган. Мартин ван Бюрен эса 8-президент бўлиб 1837-1841 йилларда АҚШга рахбарлик қилган.

Республикачилар партияси эса 1854 йилнинг 20 мартида Рипон шаҳрида тузилган. Партия асосчилари 1832-1856 йилларда фаолият юритган Виглар партияси, 1848-1854 йилларда фаолият юритган Озод ерлар партияси ва 1828 йилда асос солинган Демократик партиянинг вакиллари бўлган эди. Партия Таъсис съезди 1854 йилнинг 6 июлида Мичиган штатининг Жексон шаҳрида бўлиб ўтган. Ўшанда республикачиларнинг сиёсий платформаси қабул қилинди. Партия Съезди эса 1856 йилнинг 17-19 июн кунлари Филадельфияда бўлиб ўтган. Ўшанда Жон Чарльз Фремонд президентликка илк номзод сифатилда кўрсатилган эди.

1828 йилдан шу кунга қадар Демократик партиянинг 16 нафар вакили президент этиб сайланган. Бу партия мамлакатни умумий ҳисобда 80 йил бошқарган. XX асрда бу партиянинг Вудро Вильсон, Франклин Рузвельт, Гарри Трумэн, Жон Кеннеди, Линдон Жонсон, Жимми Картер ва Билл Клинтон сингари вакиллари Оқ уйга бошчилик қилди. 2000 йилда Демократик партия вакили Альберт Гор республикачи Кичик Жорж Бушга имкониятни бой берди. 2008 ва 2012 йилларда бўлиб ўтган сайловларда демократ Барак Обама ғалаба қозонди.

Биринчи республикачи президент сифатида Авраам Линкольн (1861-1865) тан олинади. Республикачилар Оқ уйни умумий ҳисобда 18 марта эгаллаб, 80 йилдан ортиқ вақт давомида АҚШни бошқаришган. XX-XXI асрларда Республикачилар вакиллари 1953-1961 йилларда (Дуайт Эйзенхауэр), 1969-1977 йилларда (Ричард Никсон, Жеральд Форд), 1981-1993 йилларда (Рональд Рейган, Катта Жорж Буш) ва 2001-2009 йилларда (Кичик Жорж Буш) президент лавозимларини эгаллаган.

АҚШда президент билан бирга вице-президент ҳам сайланади. Вице-президент федерал ҳукуматда “иккинчи шахс” ҳисобланади. АҚШ Вице-президенти (Vice President of the United States) — катта ваколатларга эга эмас. Биричи вице-президент Джон Адамс, амалдагиси эса Джо Байдендир. Тарихда умумий ҳисобда бу лавозимни 47 киши эгаллаган. Унинг конституцион функцияси шундан иборатки, мабода президент вафот этгудек бўлса, истеъфога чиққудек бўлса унинг ўрнини эгаллайди. Вице-президент Сенат раиси ҳамдир.

7 нафар вице-президент вазифасини бажараётган вақтда вафот этган, 2 нафари (Кэлхун и Агню) истеъфога чиққан. 14 нафар вице-президент кейинчалик президент лавозимини эгаллаган. Улардан уч нафари — Адамс, Ван Бюрен ва Катта Жорж Буш вице-президент ваколатлари тугаши билан оқ президент этиб сайланган. Никсон эса бу дақиқаларни 8 йил кутган. 9 нафар вице-президент бу лавозимга аввалги президентларнинг ўлими ёки истеъфосидан сўнг эришган. Жеральд Форд эса ҳеч қачон умумхалқ овоз бериш йўли билан президент ёки вице-президент этиб сайланмаган. У 1973 йилда Спиро Агнюнинг истеъфога чиққани сабаб президент Ричард Никсон

томонидан вице-президент этиб тайинланади. 27 ноябрда Форд бу лавозимга Сенат томонидан, 6 декабрда эса Вакиллар палатаси томонидан тасдиқланади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, 1974 йилнинг 9 августида Форд истеъфога чиққан Никсоннинг ўрнини эгаллайди.

Линдон Жонсон АҚШнинг 37- вице-президенти ва 36- президенти (1963 — 1969). Ричард Никсон эса 36- вице-президент ва 37- президент (1969—1974) сифатида тарихга кирган бўлиб, ваколатларини ўз хохишига кўра топширган ягона президентдир.

Гарри Эс Трумэн 34- вице-президент ва 33- президент (1945—1953)дир.

Кичик Жон Калвин Кулиж 29- вице-президент ва 30- президент (1923—1929) бўлиб, 1928 йилда Кубага ташриф буюрган. Шундан кейин 90 йил мобайнида АҚШнинг бирор бир президенти Кубага бормаган. Барак Обама 2016 йилда “Озодлик ороли”га ташриф буюрди.

25-вице-президент ва 26- президент (1901-09) Теодор Рузвельт “катта таёк” сиёсатининг муаллифи бўлиб, Вашингтоннинг сиёсий беқарор мамлакатлар ички ишларига аралашини қонунийлаштирди.

Честер Алан Артур 1880 йилги сайловларда вице-президент этиб сайланди. 1881 йил 2 июлида президент Жеймс Гарфилд оғир яраланди. Унинг ўлимидан кейинг Оқ уйга Честер Алан Артур келади ва 1885 йилга қадар АҚШ президенти лавозимида фаолият юритади.

Эндрю Жонсон вице-президент этиб 1864 йилда сайланади ва Авраам Линкольндан сўнг АҚШнинг 17- президенти(1865 -1869) лавозимини эгаллайди. Айнан унинг даврида АҚШ (1867 йилда) Россиядан Аляскани сотиб олади.

Миллард Филлмор 12- вице-президент ва 13 президент (1850—1853) бўлиб виглар партиясининг сўнгги президенти дир.

Кичик Жон Тайлер 10-вице-президент ва 10 президент (1841—1845) бўлиб амалдаги давлат раҳбари вафотидан сўнг президент лавозимини эгаллаган биринчи вице-президентдир.

Мартин Ван Бюрен 8-вице-президент ва 8 президент бўлиб 1837 йилдан 1841 йилларда ҳукмронлик қилган. «Окей» сўзи айнан Мартин Ван Бюренга тегишли экани айтилади.

Томас Джефферсон Мустақиллик Декларациясининг (1776) муаллифларидан бири бўлиб 2-вице-президент ва 3-президент хисобланади.

Жон Адамс биринчи вице-президент ва иккинчи президент (1797—1801) бўлиб, унинг ўғли Жон Куинси Адамс 1825 йилда АҚШнинг 8 президенти сифатида лавозимга киришган.

Айни дамда АҚШнинг беш нафар собиқ вице-президентлари — Уолтер Мондейл (1977—1981), Катта Жорж Буш (1981—1989), Дэн Куэйл (1989—1993), Альберт Гор (1993—2001) ва Дик Чейни (2001—2009) ҳаёт.

Бу галги сайловда Республикачилар Майк Пенсни, Демократлар эса Тимоти Кейнни вице-президентликка номзодини кўрсатган. Айнан улардан бири кейинчалик президент лавозимини эгаллаши эҳтимолдан ҳоли эмас, деган фикрлар айтилмоқда.

ОБАМА АҚШ ҲАРБИЙ ИНТЕРВЕНЦИЯЛАРИНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИ ТАН ОЛДИ

АҚШ президенти Барак Обаманинг баёнот беришича, АҚШнинг ҳарбий интервенциялари айрим ҳолларда, вазиятни яхши томонга ўзгартираётган бўлса-да, баъзан Вашингтоннинг аралашуви кутилмаган салбий оқибатларга олиб келмоқда. Шу билан муаммо катталашиб кетмоқда, деган Барак Обама НВО телеканалига берган интервьюсида. «Бутун дунё бўйлаб ёмон ҳодисалар бўлмоқда. Ва биз нимадир қилишимиз кераклигини сезмоқдамиз. Бу албатта, интервенциялар фойда берган ҳолатларга тегишли. Бироқ, айрим вазиятларда шундай қарорлар янада йирик муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. У ёки бу ҳаракатлар қандай самара беришини аниқлаш, — ҳар қандай президент олдида турган мураккаб вазифалардан биридир», — деган Обама.

Аммо, унинг изоҳ беришича, америкаликларни ИШИД ва «Ал-Қоида» каби террорчилик ташкилотлари хуружидан ҳимоя қилиш масаласи борасида ҳарбий воситаларга мурожаат қилиш керак бўлади.

Обаманинг фикрича, «жаҳон тартиби»ни сақлаш учун АҚШ иттифоқчиларига эга бўлиши керак ва улар билан халқаро майдонда ҳамкорлик қилиши зарур.

ТУРКИЯДА ЮЗ БЕРГАН ПОРТЛАШ ОҚИБАТИДА 8 КИШИ ҲАЛОК БЎЛИБ, 100 ДАН ОРТИҚ ОДАМ ЖАРОҲАТЛАНДИ

Жума куни Туркия жануби-шарқида юз берган портлаш оқибатида 8 кишининг ҳалок бўлгани ҳақида бош вазири Бинали Йилдирим маълум қилган. Бу ҳақда маҳаллий матбуот хабар бермоқда. Яна 100дан ортиқ одам жароҳатланган.

Портлаш Диёрбакр шаҳрида юз берган. Бундан аввалроқ Диёрбакрнинг Бағлар туманида кучли портлаш бўлгани ҳақида Haber Turk маълум қилган эди. Портлаш шаҳарнинг турли чеккаларидан ҳам эшитилган. Воқеанинг полиция департаменти биноси яқинида, қамоқхонадан 200 метр масофада юз бергани айтилган.

ТУРКИЯДА ХАЛҚЛАР ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 11 ДЕПУТАТИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Туркия Конституциясига дахлсизлик ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисида киритилган тузатишлар кучга киргач, жиноят содир этишда айбланиб судга чақирилган, аммо сўроққа боришдан бош тортган 11 нафар депутат ҳибсга олинган. Уларнинг бари Халқлар Демократик партияси (HDP) аъзоларидир.

Бу ҳақдаги баёнот Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан эълон қилинди. Мазкур иш доирасида HDP ҳамраиси Фиген Юксекдаг Шенўғли Анқарада, партиянинг яна бир ҳамраиси Салахаттин Демирташ Диярбакирда қўлга олинди.

Туркия ички ишлар вазирлиги баёнотига кўра, прокуратуранинг кўрсатмасига биноан Диярбакир, Ширнак, Хаккари, Ван, Бингёл худудий ички ишлар органлари томонидан судга келтириш учун қуйидаги депутатлар қўлга олинган.

Маълум бўлишича, қонунларни бузган, прокуратура органларининг одил судга бориш тўғрисидаги чақириқларидан бўйин товлаган шахслар гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида судда сўроқ қилинишлари учун ҳибсга олинган.

Депутатларнинг дахлсизлигини бекор қилишни кўзда тутувчи Конституцион тузатишлар референдум ўтказиш заруриятисиз жорий йилнинг май ойида парламентнинг 376 нафар депутатлари розилиги билан маъқулланган эди.

ТУРКМАНИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Туркменистонда 2017 йилнинг 12 февралига мўлжалланган сайловолди кампанияси бошланди. Давлат раҳбари лавозига номзодларни илгари суриш жараёни сайловга 60 кун қолганида бошланади. Учинчи маротаба етти йиллик муддатга сайланиш учун номзоди илгари сурилиши кутилаётган амалдаги президент Гурбангули Бердимухамедовга мамлакатдаги рўйхатга олинган сиёсий партиялар номзодлари рақобатчи бўлишади. Президент сайловида уч нафар номзод кураш олиб боради. Булар — президентнинг Туркменистон Демократик партияси, Саноатчилар ва тадбиркорлар, шунингдек, Аграр партиялардир. Президент Гурбангули Бердимухамедов ҳукумат ҳамда Давлат хавфсизлик кенгашининг сентябрь ойидаги қўшма мажлисдаёқ кенг демократик ва муқобиллик асосида сиёсий партиялар ёки ташаббускор гуруҳларнинг бир неча номзодлари иштирокида сайлов ўтказишни талаб қилган эди. Гурбангули Бердимухамедов ҳокимият тепасига 2007 йил Туркменистоннинг биринчи президенти Сапармурот Ниёзовнинг ўлиmidан сўнг келган. Мамлакатдаги у ғалаба қозонган иккинчи сайлов 2012 йилнинг 12 февралда ўтказилган. Ўшанда президент мамлакатда иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказилишини эълон қилди. Ёш президентнинг қатор фармон ва қарорлари ислохотларга, қолаверса жамиятдаги муайян камчиликларни бартраф қилишга қаратилганди. Масалан, ўрта таълимга қайтиш ва олий ўқув юртига киришдан илгари икки йиллик мажбурий меҳнат тажрибасини орттириш тартибидан воз кечилди. Григорий тақимига қайтиш, опера ва балет, циркни таъқиқлаш қарорларининг бекор этилиши ҳам жамоатчиликнинг олқишига сазовор бўлди. Яна бир янгилик шундан иборатки, сентябрда Туркменистон Межлиси мамлакатнинг янги конституциясини қабул қилди. Унда президентлик муддати беш йилдан етти йилга узайтирилди. Шунингдек, янги қонунда мамлакат президентлигига номзоднинг 70 ёшдан ошмаслиги бўйича чегара олиб ташланди. Туркменистонда янги Конституцияни қабул қилиш учун овоз бериш Туркменистон Оқсоқоллар кенгаши йиғилишида бўлиб ўтганди. Республика президенти Гурбангули Бердимухамедов йиғилишда ушбу қонунга имзо чекди ва ўша пайтдан бошлаб ҳужжат қонуний кучга кирди. “Туркменистоннинг янги Конституциясини қабул қилиш — мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг янги босқичига ўтганидан далолатдир. Янги Конституциямиз халқаро ҳуқуқнинг тан олинган нормалари асосида халқаро қонунчилик тажрибасини инобатга олган ҳолда

ишлаб чиқилган”, — дея таъкидлаган Туркменистон Президенти. Эслатиб ўтамиз, бундан олдинги Конституцияга мувофиқ, Туркменистонда туғилган, 40 ёшдан кичик бўлмаган ва 70 ёшдан ошмаган инсон Туркменистон президенти этиб сайланиш ҳуқуқига эга эди. Айни вақтда қабул қилинган Бош қонунда “70 ёшдан ошмаган” деган жумла олиб ташланган. Экспертлар фикрича, мамлакат президентининг адабий тажрибаси ҳам ортиб бормоқда. Жорий йилнинг октябрь ойида унинг “Туркменистон” номли китобининг тақдироти ўтказилди. ТДХ миллий агентлигининг хабар беришича, асарда муқаддас мустақилликнинг 25 йили мобайнида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади. 10 йиллик бошқарув мобайнида президентнинг 40 та китоби чоп этилган. Ўтган йили мамлакат президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг “Мустақил, домий бетараф Туркменистон” деб номланган китоби уч тилда — туркман, инглиз ва рус тилларида нашрдан чиқди. Китобда президентнинг мустақиллик ва бетарафлик борасидаги нутқлари, мақолалари ўрин олган бўлиб, мамлакатнинг истиқлол ва бетарафлик йилларида босиб ўтган йўли ва қўлга киритилган ютуқлари ҳақида батафсил маълумот берилган. Шу ўринда 1995 йил 12 декабрда Туркменистоннинг доимий бетарафлик мақоми тан олингани тўғрисида БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси қабул қилинганини таъкидлаш жоиз. Бу йил ушбу сананинг 21 йиллиги нишонланади. Туркменистон БМТнинг ушбу резолюциясини мамлакатнинг Асосий қонунига киритиб, ўзининг бетарафлик мақомини конституциявий мустаҳкамлаган ягона давлатдир. Шунини таъкидлаш керакки, ушбу халқаро ҳуқуқий мақом асосини Туркменистоннинг тарихий, географик ва этномаданий хусусиятлари, авваламбор, туркман халқига хос бўлган тинчликпарварлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва яхши кўшничилик каби азалий фазилатлар ташкил этади. Туркман халқининг бундай фазилатларини ушбу мамлакатнинг энг яқин кўшнисини бўлган Ўзбекистон халқи яхши билади ва юксак қадрлайди. Бизнинг муносабатларимиз асрлар давомида вақт синовидан ўтган. Халқларимиз оғир кунларда бир-бирига елкадош бўлиб, қувончу шодликларни баҳам кўриб келган. Бетарафлик мақоми нафақат Туркменистон халқининг узоқ муддатли манфаатларига, балки минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини исботлашнинг зарурати йўқ. Туркменистоннинг доимий ижобий бетарафлик мақомига эга давлат сифатида замонавий ривожланиш даври бевосита Гурбангули Бердимухамедов номи билан боғлиқдир. У Президент лавозимида фаолиятини бошлагач, Туркменистоннинг бетарафлик мақоми сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойиди.

Гурбангули Бердимухамедов 2007 йил БМТ минбаридан Туркменистоннинг халқаро ҳамжамият учун очиқлиги, мамлакатнинг бошқа давлатлар билан кенг қўламли ҳамкорликка тайёр эканини баён қилиб, бетарафлик ўз қобиғига ўралиб қолиш, халқаро муносабатлар ва ҳамкорлик алоқаларидан ўзини тийиш деган тушунчаларга чек қўйди. Бу билан Туркменистоннинг янги ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берди. Ўтган давр мобайнида Туркменистон Президенти халқаро тинчлик ва хавфсизликни

мустаҳкамлаш, транспорт-коммуникация, энергетика соҳалари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Оролни қутқариш бўйича ҳамкорликка оид долзарб масалалар юзасидан кўплаб амалий таклиф ва ғояларни илгари сурди. Ашхободда БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказини ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси шулар жумласидандир. Гурбангули Бердимухамедовнинг Каспий денгизида транспорт соҳасида ҳамкорлик бўйича битим ишлаб чиқиш, БМТнинг Транспортни ривожлантиришга доир минтақаларо махсус дастурини қабул қилиш, Туркменистонда БМТ Бош Ассамблеясининг Транспорт коридорлари тўғрисидаги резолюциясини амалга оширишга бағишланган минтақавий симпозиумни ўтказиш ҳақидаги таклифлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Йирик транзит-транспорт салоҳиятига эга Туркменистон айна пайтда кўшни давлатлар билан ҳамкорликда темир йўл, автомобиль, денгиз ва ҳаво йўллари орқали қатновни ўз ичига олган кенг тармоқли мультимодаль инфратузилмани шакллантирмоқда. Мамлакатларимиз транспорт йўллари минтақадаги барча давлатларнинг Эрон, Форс кўрфази ва Қора денгиз бўйида жойлашган мамлакатлар бандаргоҳларига, Жануби-шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бозорларига чиқишини таъминлайдиган ягона тизимнинг интеграциялашган бўғинига айланиши фойдадан холи эмас.

Ўзбекистон Туркменистоннинг бетарафлиги бўйича вазмин ташқи сиёсат стратегиясини, халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақамиз мамлакатларининг иқтисодий интеграциялашуви ва барқарор ривожланишига қаратилган ташаббусларини ҳамisha қўллаб-қувватламоқда. Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон раҳбари билан Самарқандда ўтказган музокаралари ва телефон орқали мулоқотларида билдирилган мулоҳазалар бу фикрларни тасдиқлайди.

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.